

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 245 (10.048)

2003 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИГА, БАРЧА ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!

Авваламбор, ўз ҳаётини Ўзбекистон илм-фани ривожига бағишлаган, мамлакатимиз келажиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни бугунги кутлуг сана — Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйи билан муборакбод этишни мен ўзим учун катта шараф, катта бахт деб биламан.

Хизмат тақозосига кўра менинг ҳаёт йўлим узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ўзида мужассам этган, не-не буюк истеъодларни бирлаштирган шу мўътабар даргоҳ билан боғлиқ ҳолда ўтганини, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган, ноёб кашфиёт ва ихтироларнинг муаллифлари бўлган машҳур олимлар билан ҳамкор бўлиб ишлаш, уларнинг фаолиятини бевосита кузатиш имконига эга бўлганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Шу маънода, Академиянинг барча аъзолари, илмий мактабларнинг соҳиблари ва давомчилари, йирик илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимларининг кўпчилигини ақиндан билганимдан, сизлар билан ёнма-ён бўлиб ишлаганимдан ҳалибери катта таассуротда эканимни изҳор этмоқчиман.

Мана шу қувончли кунда барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, академия фахрийларига узоқ умр, фаолларига омад, эндигина илм-фан оламига қадам қўяётган ёшларимизга эса фан оқчиларини эгаллашда ютуқлар тилашдан бахтиёрман.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг номини, унинг шон-шўхратини сақлаб ва юксалтириб келаятиганини учун барчангизга жамоатчилигимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Бугун Фанлар академиясининг 60 йиллигини кенг нишонлар эканмиз, сизларнинг бу тарихий санага аввало она заминимизда қадимдан фаолият қўраётган келган Маъмуз академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби машҳур илм-фан марказларининг мантиқий ҳосиласи, миллий тафаккуримизнинг табиий махсули сифатида қараётганингиз айнакча ибратлидир.

Табиийки, тарихни бундай англаш, бундай гурур ва ифтихор шу тупроқни жон дилидан севадиган, шу юртга сидқидилдан хизмат қилиб, уни бугун дунёга тараннум этаётган сиз каби илм-фан фидойиларига ярашади.

Кўнра ва бой тарихимизни чуқур ўрганиш, томирларимизга етиб бориш, миллий рух, миллий гоғянинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, энг муҳими, бетакрор меросимизни асраб-авайлаб, униб-ўсиб келаятган ёш авлодга етказишга фақат Ўзбекистонимизнинг тақдирини ўйлайдиган, унинг келажиги учун қайғурадиган одамларгина қодир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Ҳурматли илм-фан аҳли!

Фанлар академияси ўз тарихи давомида кўп воқеаларни, даврнинг барча мураккаблиқларини бошдан кечирганини, Марказ томонидан бепи-

сандлик ва камситиш каби ҳолатларни ҳам кўрганини, ўйлайманки, сизлар ўз фаолиятингиз мисолида яхши биласиз.

Лекин, қандай қийинчиликларга дуч келмасин, халқимизнинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқаришда, авваламбор, Ўзбекистоннинг эртанги кўни учун хизмат қиладиган ер ости, ер усти бойлиқларини ўзлаштиришда бу нуфузли илм даргоҳида яратилган, мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган кашфиёт ва тадқиқотлар, янги технология ва воситалар, илмий тавсия ва қўлланмалар беқиёс аҳамиятга эга бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу ҳақиқатни айнакча геология, хусусан, нефть ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металллар конларини аниқлаш, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, органик ва ноорганик, ўсимлик моддалар кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарҳунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан кашфиётлар яққол исботлайди.

Академиямизни мана шундай юксак даражага кўтаришда буюк ҳисса қўшган, номлари тарихимиз саҳифаларига зарҳал харфлар билан ёзилган марҳум фан арбобларини ёд этиш, бугун ҳам ана шу эзгу аъёнларни муносиб давом эттириб келаятган сиз, азизларга яна бир бор ташаккур билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, Фанлар академиясининг мавжуд салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, лабораториялар ва тажриба майдонларида, қўлёзмалар устида илмий тадқиқотлар олиб бораётган захматқаш олимлар меҳнатини рағбатлантириш учун давлатимиз томонидан берилаятган кўмак ва ёрдам ҳозирча етарли эмас.

Буни кўпчилик қаторида мен ҳам яхши англайман. Лекин, шу фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни айтмоқчиман: иқтисодиётимиз ривожланиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан шу соҳада фидойий бўлиб хизмат қиладиган илм-фан аҳли олдидаги қарзимизни адо этиш учун шароит тузилади. Бу борадаги ишларимизни охирига етказиш, тараққий топган мамлакатларнинг илм марказлари билан ҳамкорлик қилиб, тадқиқот жараёнларини замонавий даражада ташкил этиш учун амалий кўмак беришни давлат идоралари ва ташкилотларининг, бугун жамиятимизнинг биринчи даражали вазифаси, деб билишимиз зарур.

Сизларни бугунги кутлуг айём билан яна бир бор табриклаб, мамлакатимиз олдида турган буюк мақсад ва марраларга эришишда Фанлар академияси ва барча олимларимиз ўз муносиб ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдираман.

Мана шу улугвор ишларни амалга оширишда барчангизга сийҳат-саломатлик, янги илмий ва ижодий зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимиз илм-фани ривожига йўлидаги катта хизмати, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

Беглов Борис Михайлович — Умумий ва ноорганик кимё институтини етакчи илмий ходими, академик

Ешчанов Турсунбой — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик

Мирзаев Тўра — Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори

Давоми 2-бетда.

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — 60 ЁШДА

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати кўп жиҳатдан унинг фан-техникаси, илмий салоҳияти қай даражада ривожланганига ҳам боғлиқ. Жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби буюк алломаларни берган заминимиз башарият тараққиётида ўзига хос ўрин тутди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларида ноқамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ана шу эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ўзбекистон Республи-

каси Фанлар академиясида мазкур сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Фанлар академияси президенти, академик Б.Йўлдошев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фанлар академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Бозор ислохотларининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллarda ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органларини ҳисобланади: таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига қўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари

пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

2. Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

тармок ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришининг истиқболли стратегиясини белгилаш;

Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

2003 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ ШАНБА —
ДАМ ОЛИШ КУНИНИ
2004 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ ЖУМА КУНИГА
КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

2003 йил 27 декабрь шанба — дам олиш куни
2004 йил 2 январь жума кунига кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини
мукофотлаш тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда.

Республикамизнинг иқтисодий ва маънавий юксалишига қўшаётган бекиёс ҳиссаси, кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш, уни халқаро жамоатчилик ўртасида кенг ёйиш, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизмати ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётгани учун куйидагилар мукофотлансин:

“Буюк хизматлари учун” ордени билан

Кўшонов Матёкуб — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, академик

Мусаев Жўра Азимбоевич — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, академик

Тўракулов Ёлқин Холматович — Фанлар академияси Биомиметик институти лаборатория мудири, академик

“Эл-юрт хурмати” ордени билан

Камолов Собир — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими маслаҳатчиси, академик

Қаюмов Азизхон — Алишер Навоий номидаги Адабиёт давлат музейи етакчи илмий ходими, академик

“Меҳнат шўхрати” ордени билан

Абдуллаев Абдумавлон — Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, академик

Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази илмий маслаҳатчиси, академик

Абдуллаҳўжаева Малика — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика патологик анатомия маркази директори, академик

Авезов Раббонакул — С.Азимов номидаги “Физика-Қуёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти лаборатория мудири

Орипов Тохир Фотихович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик

Аюпов Шавкат Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, академик

Глушенкова Анна Ивановна — С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири, академик

Исомиддинов Мухаммад Ҳасанович — Я.Фулмонов номидаги Археология институти етакчи илмий ходими

Исломов Ўткир — Я.Фулмонов номидаги Археология институти бўлим бошлиғи, академик

Лутфуллаев Саъдулла Лутфуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, С. Азимов номидаги “Физика-Қуёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори

Мавлоний Машхура Эгамовна — Микробиология институти лаборатория мудири, академик

Мўминов Толиб Мусаевич — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Амалий физика институти директори, академик

Ражабов Тельман Дадаевич — Тошкент ахборот технологиялари университети кафедра мудири, академик

Расулев Ўткир Ҳасанович — У.Орипов номидаги Электроника институти директори, академик

Ртвеладзе Эдвард Васильевич — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, академик

Салохитдинов Махмуд — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Убайдуллаева Раъно Ахатовна — “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги маркази директори, Иқтисодиёт институти бўлим мудири, академик

Хайруллаев Музаффар Мухитдинович — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик

Ҳасанов Махмуджон — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғамалар фонди бошлиғи

Ҳотамов Нариман Тожиевич — “Фан” нашриёти директори

Хожаниязов Гайратдин — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Тарих, археология ва этнография институти археология бўлими мудири

II дараҳали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Аҳмедхўжаева Ҳафиза Саидганиевна — С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти етакчи илмий ходими

“Дўстлик” ордени билан

Буряков Юрий Фёдорович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

Казаклов Ибрагим — Зоология институти лаборатория му-

дири

Лордкипанидзе Лора Николаевна — Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти етакчи илмий ходими

Минасянц Вазген Сосович — Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими

Пиримкулова Василя Агзамовна — Фанлар академиясининг халқаро илмий ҳамкорлик ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича вице-президенти хизмати раҳбари

Файзуллаев Омонулло — Фалсафа ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими

Филанович Маргарита Ивановна — Я.Фулмонов номидаги Археология институти катта илмий ходими

Штонда Нина Ивановна — “Ботаника” илмий ишлаб-чиқариш маркази лаборатория мудири

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илмий янгиликларни яратиш ва амалиётга жорий этиш борасидаги хизматларини инобатга олиб куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор”

Бахромов Саъдулла Абдуллаевич — “Академасбоб” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори

Тўраев Аббосхон Собирхонвич — О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти директор ўринбосари

Халқимиз илмий салоҳиятини юксалтириш ва малакали илмий кадрларни тайёрлаш борасидаги кўп йиллик меҳнатлари учун куйидагилар мукофотлансин:

“Шўхрат” медали билан

Азимов Бахтиёр Магруппович — “Замонавий информация технологиялар” маркази қошидаги Кибернетика институти лаборатория мудири

Алиев Абдурашид — У.Орипов номидаги Электроника институти лаборатория мудири

Беспалова Надежда Николаевна — М.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи муҳандиси

Фулмова Дилбар Жўраевна — С.Азимов номидаги “Физика-Қуёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти лаборатория мудири

Жўраев Маматкул — Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти архив бўлими мудири

Ищенко Гульсияр Сайдоловна — “Академасбоб” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси илмий котиби

Қосимжонов Магруппон Орипович — Фанлар академияси Иссиклик физикаси бўлими етакчи илмий ходими

Набиев Озод — “Замонавий информация технологиялар” маркази бош директори, “Алгоритм-инженеринг” институти директори

Навотный Вадим Шименович — С.Азимов номидаги “Физика-Қуёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти лаборатория мудири

Побережская Светлана Константиновна — Умумий ва ноорганик кимё институти етакчи илмий ходими

Ражабова Раъно Ёдгоровна — Тарих институти етакчи илмий ходими

Саидхонова Саодат Мухторовна — Темурийлар тарихи давлат музейи илмий котиби

Султонов Саид-Аббос Саидхамедович — Фанлар академияси ишлар бошқарувчиси

Султонов Ҳотам Бурхонвич — Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти кичик илмий ходими

Тошпўлатов Жамондин — Микробиология институти лаборатория мудири

Усмонов Пўлат Бекмуротович — Физиология ва биофизика институти директори

Худойбердиев Рўзикул — “Ботаника” илмий ишлаб-чиқариш маркази лаборатория мудири

Чистяков Павел Григорьевич — Ядро физикаси институти қошидаги “Радиофармацевт” давлат корхонаси бош технологи

Чубукина Ирина Юрьевна — Фанлар академияси бўлими бошлиғи

Шарафудинова Раҳима Шамсутдиновна — Алишер Навоий номидаги Адабиёт давлат музейи ёзувчилар архиви мудири

Ёқубов Абдуқоюм Ғозиевич — Ядро физикаси институти ишчиси

Ёрмухамедов Акбар Раҳматович — Ғ.Мавлонов номидаги Сейсмология институти лаборатория мудири

Қаюмов Абдурахим — Фанлар академияси Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди кенгаширининг илмий котиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВТошкент шаҳри,
2003 йил 18 декабрь.**ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ —
60 ЁШДА**

Давоми. Боши 1-бетда.

Мустақиллик йилларида юртимизнинг илмий-техникавий салоҳияти юксалди. Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия тизимининг шаклланиши Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. Академиянинг илмий-тадқиқот институтилари миллий ва халқаро грантлар асосида фаннинг ривожланган йўналишлари бўйича изланишлар олиб бормоқда.

Натижада илм-фан соҳасида катта ютуқларга эришилди. Табиий фанлар соҳаларида эришилган илмий натижалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида фаолият кўрсатаётган олимларимиз эса кўхна ва бой тарихимизни, маданий-маънавий меросимизни теран ўрганиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий истиқлол ғоясини илмий асосда ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшаётир. Шу билан бирга, Академия тизимида илмий жараёнларга хорижий сармоя жалб этиш, экспорт салоҳиятини кучайтирувчи технология ва ишланмалар яратиш ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Академия олимлари замонавий илм-фаннинг геология, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, ўсимликлар кимёси, сейсмология, фалсафа ва бошқа етакчи соҳаларини, кўхна тарихимиз саҳифаларини, Шарқнинг бебаҳо мероси жам бўлган нодир қўлғамаларни ўрганиш борасида жаҳон илмий жамоатчилиги назарига тушаётган кўплай янгиликлар яратмоқда.

Ана шундай фидойи олимларимиздан бир гуруҳи Президентимиз Фармонига асосан Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Уларга юксак мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов топширди.

Анжуманда сўзга чиққан Россиянинг Ядровий тадқиқотлар бирлашган институти директори В.Кадишевский, Польша Фанлар академияси вице-президенти С.Януш, Япониядаги «Ипак йўли» халқаро академияси директори К.Като ва бошқалар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон илм-фани ривожига ҳисса қўшаётган олимларимизни бугунги байрам билан кутлади, янгидан-янги илмий кашфиётлар қилишда омад тилади.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Абдувоҳитов, З.Хусниддинов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Хўжалик бошқарув органлари
тизимини такомиллаштириш тўғрисида**

Давоми. Боши 1-бетда.

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш, ушбу мақсадларга хоржий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш; улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3. Белгилансинки, давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон Фармойиши билан тузилган маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидагилар тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси «Ўзмашсаноат» ни;

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини; Ўзбекистон давлат транспорт қурилиш корхоналари уюшмаси «Ўзбектранскурилиш» ни;

Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металллар ва олтин давлат концерни «Қизилқумнодир-металлолтин» ни;

«Махсусқотишма» республика ташкилотини;

функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Шойи» акциядорлик компаниясини;

функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Пилла холдинг» компаниясини тугатиш;

б) Ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ҳамда қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноати корхоналари «Озиқовқатсаноат» уюшмаси негизда Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасини ташкил қилиш;

в) Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини «Ўзавто-саноат» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси этиб;

Тошкент шаҳар йўловчилар ташвиш транспорти корхоналари давлат уюшмасини «Тошшаҳарйўлов-читранс» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўзагроماشсервис» уюшмасини «Ўзагроماشсервис» акциядорлик компанияси этиб;

«Дори-дармон» давлат-акциядорлик уюшмасини «Дори-дармон» акциядорлик компанияси этиб;

Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концерни «Ўзфармсаноат» уюшмаси этиб;

Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат-акциядорлик уюшмасини «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси этиб;

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзқишлоқхўжаликкимё» уюшмаси этиб;

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясини «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси этиб қайта ташкил қилиш.

5. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов):

бир ой муддатда мазкур Фармонда кўзда тутилган хўжалик бирлашмаларини тугатиш бўйича ташкилий тадбирларни Вазирлар Маҳкама-

сига тасдиқлаш учун киритсин;

ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг ташкилий тузилмалари ва функциялари тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун график ишлаб чиқин ҳамда босқичма-босқич тақдим этсин.

6. Акциядорлик компаниялари, уюшмалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда иқтисодий эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига, ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ уч ой муддатда ўзларининг бошқарув ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқсинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар, шунингдек ўз Низомларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.


7. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини қисқартириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқин ҳамда уларни акциядорлик компаниялари ва уюшмаларининг бошқаруви ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳалари билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тайёрланиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 декабрь



• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида академиклар, таниқли олимлар, илмий ходимлар ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари иштирокида Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган «Тиббиёт фанини ривожлантириш ахволи ва истикболлари» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

• Бекободда бўлиб ўтган Қора ва рангли металл парчалари ҳамда чқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида металлургия кўлга киритаётган итуглар таҳлил этилди.

• Европа Иттифоқининг «ТАСИС» дастури доирасида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда бандлик» имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси ходимлари Қашқадарё вилоятида меҳнат бозорини ўрганиш ва маркетинг бўйича тадқиқот ишларини бошлади.

• Нукусдаги «Довуд» акционерлик жамиятида деҳқон-фермер хўжаликлари учун минн техника ва ускуналар кўргазмаси ташкил қилинди.

• Иштихон туманидаги 1-академик лицей жамоаси Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ажратилган 71 минг АҚШ доллариға тенг грантни кўлга киритди.

• Қўқондаги «Электромаш» акционерлик жамиятида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомашиналари учун бамперлар чиқариш йўлга қўйилди.



• Жаҳон ҳамжамиятининг Ливияға муносабати жиддий ўзгармоқда. Ливия ҳукумати ўзининг оммавий қиргин қуролларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча дастурларидан воз кечишини билдирди.

• АҚШ ҳукумати янги «Оли-Хурра» телеканалини очиш учун тайёргарлик ишларини амалга оширмоқда. Янги канал кўрсатувлари араб тилида олиб борилиб, яқин Шарқдаги араб давлатлари аҳолисиға мўлжалланган.

• Мюнхендан Парижға кетаётган, сайёҳлар билан тўла автобус Бельгия-Франция чегарасиға яқин жойда ҳалокатға учради. Натижада 11 киши ҳаётдан кўз юмди, 37 нафар йўловчи жароҳатланди.

• Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида муҳолифатчилар томонидан ўтказилаётган кўп минг кишилик намоийшлар чоғида бомба портлаши натижасида 21 киши яраланди.

• Болалар учун эрталарға бой икки китобини чиқарган машҳур қўшиқчи Мадонна яқинда янги китобини ёзиб тугатди. Унинг тиражи чекланган бўлиб фақат қўшиқчининг мухлислариға тарқатилади.

• Гонконгда жаҳонда энг баянда арча ўрнатилди. Уни ўйинчоқлар билан безатишға 1 миллион долларлик маблағ сарфланди.

Олимпиаданин асл мақ-

сади энг иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва ўз дунё қарашини кенгайтиришға интилаётганларни тақдирлашдан иборат. Олимпиада

иштирокчилари қаторидан ўрин олиш учун аввало иккинчи босқични муваффақиятли фақиятли ўтиш - мактаб дастури

да давлат қирувчи исталган фанга алоқадор беш ёки ундан

ортиқ заковатли масала тузиш талаб қилинади. Сўнгра ҳакамлар энг иқтидорлиларни таллаб олишда ва иккинчи босқичда иштирок этиш учун Москвадаги Ломоносов мактабига тақлиф қилишадди.

Бу йилги олимпиадада Ўзбекистон вакили - Самарқанд шаҳридаги 10-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

Дилноза Маматқулова ҳам

муносиб иштирок этди. Биринчи иждоий босқични муваффақиятли бажарган Дилноза ҳакамлар ҳайбати томонидан Москваға так-

учун» соврини билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек замини доимо иқтидорлиларға бой бўлган. Юртимиз дунё илм-фаниға Ал-Хоразми, Беруний, Улугбек, Бобур ва Навоий каби муҳим шахслар билан тақдирланди.

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА
САТРАФДА**

• **ТОШКЕНТ** Архитектура ва қурилиш институтида бўлиб ўтган анжуман «Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлиги муаммолари» мавзусиға бағишланди.

• **МАННОН** Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида уюштирилган кенч Ўзбекистон халқ артисти Комуна Исмоилова иждоига бағишланди.

• **ЯККАСАРОЙ** туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида «Ўзбектеlevision» студияси томонидан яратилган «Эъоз» фильмининг намоийши Обод маҳалла йилиға бағишланди.

• **17-ШАҲАР** шифохонасида «Ўсмир ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш — давр талаби» мавзусида ташкил этилган тадбирда Ғайратий маҳалласи фаоллари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юнусобод туман бўлими вакиллари иштирок этишди.

• **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва энгил саноат институтида талабалар иштирокида уюштирилган тадбир «Суд-ҳуқуқ ислохотлари» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги **Матбуот хизмати** ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ
ДОМО БУЛАВ...

- Қалби пок ота — пок авлод асосчидир.
- Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.
- Илму-тавозе камтарлик билан вужудга келади.
- Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машхур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шуҳрат келтиради.
- Яхши либос хусни оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.
- Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат; худбин, кўрқоқ ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.
- Бир донишманд дебди: — Сафол жомнинг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган галига қараб баҳо берилади.
- Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан: — Менинг билимим мукамал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермади. Эндликда истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукамал бўлади.
- Байт: **Кимки ўрганишни уят — ор демас, Сувдан дур топади, тошдан лаъл олам.**
- Алишер Навоий айтди: — Тилинг билан кўнглинги бир тут, кўнгли билан тили бир киши айтган сўзла бут.
- ҲИКОЯТ. Луқмони Ҳакимни бир киши даргоҳида хизмат кидирар ва ундаги илму ҳикмати гоҳи гоҳида синаб кўрарди. Бир кун имтихон тарзида буюрибди: — Аё Луқмон, менга бир кўйни сўйиб, энг яхши аззосини олиб келгин.
- Бош устига, — дебди Луқмон ва кўйни сўйиб тили билан юрагини хожасига келтириб берибди.
- Анча муддат ўтгандан кейин, хожа уни яна чақириб дебди: — Аё Луқмон, бир кўйни сўйгин-да, менга унинг энг ёмон аззосини олиб келгин.
- Луқмон кўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келибди. Хожа дебди: — Бу нечук асрорки кўйнинг энг яхши аззосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил билан юракни кўтариб келдинг?
- Луқмон дебди: — Аё хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил билан юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.
- Байт: **Бу оламда кишиким пок қалбу соф ботиндир, Ҳамиша фикр кунжида қаноат бирла сокиндр.**
- Беш хислат кишини ҳар ерда азиз сақлаб, унинг дўстини кўпайтиради: ёвузликдан қўл тортса, яхшиликни шпор қилса, тухмат қилишдан этак силкитса, хушхулқ, суҳбат одо-бига риоя этса.

СУДДА ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

Республика Олий Суднинг навбатдаги пленумида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Талбирда сўзга чиққанлар судларда иш юритишнинг барча босқичларида тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ижобий натижа бераётганлигини таъкидлашди. Маълумки, гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни суд амалиётида тўғри қўлланилишига Олий суд томонидан мунтазам эътибор қаратиб келинмоқда.

Мақзур пленум қарори билан гумон қилинувчи ва айбланувчига ҳимоясиз кўрсатма беришдан бош тортиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни тергов ва суд органларига мажбурият

сифатида юкляпти. Бу албатта, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни ҳимоя ҳуқуқларини кафолати сиғатидаги норма бўлди.

Шунингдек, пленум ишида меҳнат вазибаларини бажариш чоғида ҳодимнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплашга оид низолат бўйича суд амалиёти ҳамда фуқаро-ролар працессуал қонунчилигини айрим нормаларини судлар томонидан қўлланилиш масалалари ҳам муҳокама этилди. Қўрилган масалалар юзасидан қонунларни тўғри ва бир хилда қўлланилишига қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

“Туркистон-пресс”

Яқинда Республика кўғирчоқ театрида «XXI аср Ўзбекистон кўғирчоқ театр санъати истиқболи» мавзусида 1-Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Анжуманлар

КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олти кун давом этган мазкур анжумани Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Армадад» махсус жамғармаси ҳамкорликда ўтказдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Баҳром Тўхтаев, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонullo Ризаев ва бир қанча мутахассислар бугунги кундаги кўғирчоқ театримизнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида фикр юритдилар.

Мақзур тадбир доирасида «Миллий истиқлол гоҳсини болалар онгига сингдиришда

кўғирчоқ театри санъатининг ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров мустақиллик даврида кўғирчоқ театрлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, кўғирчоқ театрлари учун мутахассис кадрлар тайёрлашнинг аҳволи ҳақида сўзлади. Анжуманинг охириги кунларида Республика кўғирчоқ театрининг «Яна Андерсен», «Шум боланинг саргузаштлари» спектакллари вилоятлардан ташриф буюрган меҳмонларга намойиш этилди.

Гулнор САТТОВА



МУРУВВАТ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Кўнгли ярим, кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш азалий удумларимиздан ҳисобланиб, саховатпешалик, меҳмондўстлик, олижаноблик халқимизга хос фазилатлардандир.

Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман ҳокимликлари кўмагида Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти томонидан ўзгалар ёрдамига муҳтож ногиронлар учун хайрия талбири ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир 200 дан ортиқ кўнгли ярим инсонлар учун катта байрам тарзида нишонланди.

— Биз бундай тадбирларни бир йил мобайнида 2-3 марта ўтказамиз. Чунки, меҳр-мурувватга ташна бўлганларнинг кўнглини кўтариш энг олий ҳиммат ва савоб ишлардир.

— деди тадбир очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти раиси Ҳабибулла Жалилов жамият аъзолари учун ташкил этилган кечага келган ҳар бир кишининг кўнгли кўтарилди десак хато бўлмас. Негаки, нозу неъматлар билан безатилган дастурхон устида йиғилганлар кўнглига илиқлик бағишлагувчи куй-тароналар янгради. Абдулла Қодирий номидаги маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ўз кўшиқлари билан тадбирга файз бағишлаганини таъкидлаш жоиз.

«Имом ат Термизий», «Баҳоуддин Нақшбанд», «Аҳмад ал Фарғоний», «Бурхониддин Марғиноний», «Жалолиддин Мангуберди», «Алишер Навоий», «Абдухалиқ Гиждувоний» каби фильмлар шулар жумласидандир. Кунни кеча «Ўзбектеелефильм» студиясида яна бир «Занги ота Ҳимматий» номли янги фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Улуғ сиймо-лардан бири Занги ота Ҳимматий Яссавия тариқатининг тарғиботчиси, шоир, олим, табиб ва маърифатпарвар зот бўлиб, у ҳақда «Ўзбекте-лефильм» студиясида

1995 йилда 10 дақиқали ҳужжатли фильм яратилган эди. Фильмда

раб олинган. «Буюк аждодларимиз» туркумида фильм-

Мақдони

«БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ»
ТУРКУМИДАН

Кейинги вақтларда «Ўзбектеелефильм» студияси томонидан «Буюк аждодларимиз» туркумида яратилган бир қатор фильмлар муҳлислар эътиборини тортмоқда.

асосан Занги ота мажмуидаги обидалар ҳақида ҳикоя қилинган-ди.

Янги фильм 20 дақиқа бўлиб, унда кўпроқ Занги ота ҳаёти, Яссавия тариқати моҳияти қам-

лар яратилган мақсад, — дейди «Ўзбекте-лефильм» студияси ди-ректори Мирзааҳмад Олимов, — улуғ сиймо-лар руҳини шод этиш, улар қолдирган бой ме-росдан халқимизни

бахраманд қилиш, шу-нингдек, уларни ёш ав-лодга танитиш, фаоли-ятларини чуқурроқ ўрганишдан иборат. Чунки улар, ўзбек хал-қи илму фани, дину диёнатини дунё миқё-сига олиб чиққанлар.

«Занги ота Ҳимма-тий» фильмининг сце-нарий муаллифи таниқ-ли олим ва адиб Маҳ-кам Маҳмудов бўлиб, фильм режиссёри ва оператори Саидботир Аҳмадхўжаев. Ўйлаймиз-ки, ушбу фильм миллий ва маънавий қадрият-ларимизнинг тиклани-шига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА

Биласизми?

**КИМ ҚАНДАЙ
ЧОЙХЎРЛИК
КИЛАДИ?**

Ўзбек халқининг чой ичмаган куни йўқ. Ошдан кейин ҳам чой, шўрвадан кейин ҳам чой, ҳатто чойдан кейин ҳам чой ичишига озгина қолади. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида «Бир пиёла чойимиз бор», «Чой тайёр», «Чой ичиб кетинг» деган иборалар кўп ишлатилади.

Бироқ чойхўрлик одати нафақат ўзбекларда, балки кўпгина бошқа халқларда ҳам шаклланган. Фақат уни истёмоқ қилишда озгина фарқлар учрайди.

Масалан, биз чойга сут, қора мурч, асал, лимон, ялпиз қўшиб ичишни ёқтираемиз. Шу билан бирга бугун дамланган чойимизни банкаларга қуйиб, кўпинча болаларга совуқ чой сифатида эртасига ҳам қолдиравемиз. Аммо бундай қилиш зарарли экан. Хитойлар кечадан қолган чойни умуман ичмас эканлар, чунки бундай чойнинг сифати ўзгариб, захарли хусусияти кучаяркан. Тибетликлар чойни коктейл каби кўпиртириб ичишни ёқтирашади. Бунинг учун улар чойга туз ва сарийё қўшиб обдон аралаштиради ва кўпиртиришади. Мўғуллар чойга ёғ, сут, ун, ёрма қўшиб истёмоқ қилишни яхши кўришади. Чойни сут билан бирга дамлаб, унга туз, дафна япроғи, мускат ёнғоғи ва чиннигул аралаштириб ичиш қалмоқларнинг жондан севган одатидир. Ҳиндлар чойни совутиб, унга шакар, лимон аралаштириб ичишни хуш кўришади. Лотин америкаликлар эса чойга ананас ва кубаррони (кучли спиртли ичимликнинг бир турини) аралаштириб ичишни ёқтирашади. Ундан ташқари меҳмонларга эҳтиром тариқасида бананли ананасли, шоколадли, ҳатто музқаймоқли чойлар тайёрланади. Форсларда иссиқ чойга муз солиб ичиш одати ҳам бор. Бу мёвда фаолияти учун фойдали экан. Албатта бу нарсалар ҳар бир халқнинг табиати ва иқлим шароитига ҳам боғлиқдир.

Яшаш учун биргина «саводхон» бўлишнинг ўзи камлик қилишини кейинроқ англаб етардик. Ахир бирор ҳунаринг, касбу коринг бўлмаганидан кейин ҳар қанча саводли бўлма, тўқ-фаровон яшашнинг ўзи бўлмайди-ку?! Тўғри, ҳар бир мактабни ўртача қирқ-эллик нафар йигит-қиз тамомласа, улардан беш-ун нафари турли ўқув даргоҳларга ҳужжат топширадидилар. Ўқишга кириш кимга насиб қилади, кимга йўқ — пешонасидан кўраверарди. Қолганларичи? Узоққа бормаиллик, собиқ шўро даврининг сўнгги ўн йиллигида ўрта мактабни тамомлаганлар (турли олий ва бошқа ўқув юртларида таълим олиб, касб танлаш борасида орзунга эришганларни ҳисобга олмаганда) нимага эришдилар? Қишлоқларда ва ҳатто шаҳарларимизда ҳам бирор тайинли касбнинг бошини тутмаганлар ҳақида нималар дейиш мумкин?

Истиқлол шарофати билан бугунги манзара ўша даврдан кескин фарқ қилади. Ўн беш йил бурунги мактаб билан бугунгисининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бўлса ажабмас. Буни биргина ўқув дастурларидан ҳам билса бўлади. Яъни, бугунги мактаб ўқувчилари мактаб партасиданоқ касб танлаш ва турли соҳаларнинг сирларини мукаммал

эгаллашаётир. Шулардан бири — иқтисодий билим асослари.

Бу шунчаки назарий фан эмас. Гўё математика фанидаги каби рақам ва уларни қўшиш ё айриришигина ўрга-

Ислоҳот оқимлари

**БАРКАМОЛЛИК
ЙЎЛИДА**

Илгари ўрта мактабни тамомлаётган йигит-қизлар ўзларича «мустақил ҳаётга қадам кўйдик!» дея ҳар қанча фахрланишмасин, аслида орзулари гоҳо саробга айланиб қолаётганини кейинроқ тушуниб қолишарди. Таасуфки, ўн йил ўқиғач, «саводхон»дан бошқа нарсаси бўла олмасдик.

тиш билан чегараланмайди. Иқтисодий билим асосларини ўрганаётган мактаб ўқувчилари бу соҳа сирларини амалда ҳам ўзлаштириб олмоқдалар. Яъни, иқтисод ўзи нима, уни қандай қўллаш, қайси соҳаларда қай тариқа фойдаланиш мумкин, иқтисодчининг вазифаси нима-лардан иборат? Бу каби саволларга ўқувчилар аниқ-равшан жавоб топа оладилар. Нафақат саволга жавоб топиш, балки, шу билимларини амалиётда ҳам эмин-эркин қўллашлари мумкин.

Назарий билим амалиёт билан муштаҳамлансагина кўзланган мақсадга эришилади. Ўқувчиларимиз белгиланган соатларда компьютер хоналарида ҳисоб-китоб, иқтисодиётга оид амалий машғулотларни давом эттирадилар. Улар иқтисодиётнинг ўзига хос қонуниятларини, бу соҳа сирасорларини пухта ўзлаштиришаётир. Нафсиламбирини айтганда, бугунги ўқувчи иқтисод омиллари, банк тизими, бухгалтерия тартиботидан ҳам хабардорлар. Зеро, банк-молия соҳасига йўналтирилган махсус синфларда таълим олишгаётган ўғил-қизлар эрта-индин шу соҳада бемалол ишлаб кетишларига умид қилса бўлади.

Бугунги мактабларимизда иқтисодиёт билан бир қаторда табиий ҳамда ижтимоий фанлар амалиёти билан боғлиқ касб-корга йўналтириш эса ўзига хос анъанга айланиб бораётти. Мақсадимиз — ўқувчилар мактаб партасидаёқ чинакам етук, касб-хунарни, баркамол инсонлар бўлиб етишсинлар.

**Муборак ҚУРБОНОВА,
Собир Раҳимов туманидаги
Обид Содиқов номли
249-мактабнинг
иқтисодиёт фани ўқитувчиси**



Қишнинг сокин кўчаларида сайр қилишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор.

Ушбу кўргазмага мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшовчи 620 та ёш расомларнинг чизган расмлари орасидан 30 та муаллифнинг 60 дан зиёд асарлари танлов асосида саралаб олиниб намоийшга қўйилди.

Рангдор, ажойиб қилиб чизилган бу расмларнинг мавзулари ранг-баранг бўлиб, эркин ижод этилган натюрмортлар, портретлар, композицияларни ташкил этади. Кўп қисми эса манзаралар, шунингдек эртақлар мавзуларига мослаб ишланган суратлардир.

Айниқса, истёбоддилар қаторининг олдинги сафида турган Дилрабо Дўстқобилова, Элёрбек Жамолдинов, Ситора Ҳазратова

каби ўқувчилар Ватинимизнинг фаровон, тинч ҳаёт тарзи, мазмунли турмушини, она юртимиз та-

қилиш йўллари ҳар хилдир. Улар ўз ижод намуналарини турли тасвирлаш воситалари — хусусан акварель

Кўргазмалар

**БОЛАЛАР ИЖОДИГА
БИР НАЗАР**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети музейлар мажмуасидаги «Тасвирий ва амалий санъат музейи» қошида «Болалар тасвирий ижоди намуналари кўргазмаси» ташкил этилди.

биати гўзалликларини меҳр ва ифтихор билан акс эттирганлар. Муаллифларнинг ёшлари турлича бўлганлиги учун ҳали маҳорат даражалари, агрофмуҳитни, ўзларини қизиқтирган воқеликни ифода

бўёқ, рангли ва қора қаламлар ҳамда фломастерлар билан ишлаганлар. Мустақил мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳар, қишлоқларидаги мактабларда таълим олувчи кўплаб ўқувчилар

ўз қобилиятларини тасвирий ижодга сарф этиб юқори натижаларга эришмоқдалар.

«Тонг юлдузи» газетаси таҳририяти ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси ташаббуси билан ўтказилган мазкур кўргазма ҳам унинг қатнашчилари — ёш расомларга дастлабки ютуқ ва рағбат бўлиб хизмат қилса ажаб эмас.

Ташкилотчилар бу каби болалар ижодига оид кўргазмаларни уюштиришни келгусида давом эттириш ниятларида.

**Баҳром ТОЖИБЕВ,
расом-педагог**

Диккайт, ағиллик!

**«БУНЁДКОР АЁЛ» —
ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР**

Аёлларнинг салоҳиятини юксалтирувчи конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини таъминловчи имконият марказларини ташкил этиши, республика ҳудудларида аёллар муаммолари бўйича, уларнинг ижтимоий ривожланишини илмий-таҳлилий ўрганиши, жамиятнинг тараққиётида аёлларнинг реал иштирокни таъминловчи тақлифларни ҳужумат ва давлат идораларига киратиши, шунингдек, уларнинг ўқув тизимини ташкил этиши билан талабга мос касбга йўналтириш ва бандликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Бунёдкор аёл» нодавлат ва ношароит ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

Яқинда «Гранд мир отел» меҳмонхонасида ушбу ташкилотнинг фаолият бошлаши муносабати билан тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тақдимотда республикамиздаги барча тадбиркор, ишбилармон, иқтисодчи, фозила аёллар иштирок этишиб, янги ташкил этилган «Бунёдкор аёл» ташкилотининг келгусидаги ишлари муваффақиятли бўлишига тилак билдирдилар.

— «Яхши яшашга интилом», шиори остида фаолият олиб борувчи ушбу ташкилот Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 28 августда давлат рўйхатига олинган эди,— дей-

ди «Бунёдкор аёл» ННТ раҳбари Лазиза Акбарова.—Фаолият мезонимиз 7 имконият, 7 қадрият, 7 тамойил, 7 услуб ҳамда 7 ютуқ формуласига асосланган. Асосан, иқтисодчи ва тадбиркор аёллардан иборат ташкилотимизнинг режалари аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини ўстириш, улар меҳнатини энгиллаштириш, бола тарбияси ва маънавий интеллектуал юксалиши учун шароит яратадиган тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашдир. «Бунёдкор аёл» сиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр ва иш фаолиятида тақлифларингиз ва мулоҳазаларингизни кутади.

Орзуғул РУСТАМОВА

Спорт

ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

Жорий йилги мавсуми кўл тўпи билан шуғулланаётган спортчилар Ўзбекистон Кубоги мусобақалари билан якунлашди. Ававалига Наманган шаҳрида эркаклар, сўнгра Олмалиқда аёллар ўртасида ташкил этилган мусобақалар ғолиблари ҳам маълум бўлди.

Эрақлар беллашувида пойтахт вилояти Чирчиқ шаҳрининг «Танкчи» жамоаси барча рақибларидан махоратлироқ эканлигини намойиш этиб биллур соврин соҳибига айланди. Иккинчи ўринни Ўзбекистон Миллий университети талабалари, учинчи погонани наманганлик кўл тўпи усталари эгаллашди. Ўзбекистон Кубогининг қизлар ўртасида Олмалиқда уюштирилган баҳслари ҳам шиддатли кечди. Ғолиблик учун 6 та жамоа ўзaro курашган бўлса, ушбу мусобақаларда мамлакат чемпиони — шаҳримизнинг «Алгоритм» жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талаба қизларидан тузилган «СКИФ» жамоаси агар «Алгоритм»га 23:34 ҳисобида имкониятни бой бермаганида ғолибликни кўлга киритиши аниқ эди. Ана шу мағлубият туйғайли «СКИФ» иккинчи погонани забт этди. Олмалиқнинг «ОТМК» жамоасига эса учинчи ўрин насиб этди.

БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

Марказий Офицерлар уйи спорт залида баскетбол бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Сирдарё, Наманган, Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилоятларидан ташриф буюрган 13 та жамоа ғолиблик учун ўзaro кураш олиб борди.

Тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ташкил этилган беллашувлар қизиқarli ва кескин курашларга бой кечди. Ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаган «МХСК-1», «ТошДТУ», «УЗМУ» ҳамда «Университет» жамоалари ярим финалда мусобақани давом эттиришди. Муросасиз беллашувлар якунида биринчи ўрин учун баҳс олиб борган «МХСК-1» ва «ТошДТУ» жамоалари ўйинида рақибларини 108:54 ҳисобидан енга олган «МХСК-1» баскетболчилари биллур совринни кўлга киритишди. «Университет» жамоасини мағлубиятга учратган Ўзбекистон Миллий университети баскетболчилари учинчи ўрин билан кифояланишди. Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

Акбар Йўлдошев

ДИҚҚАТ

Пойтахт меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан Тошкент шаҳрида пенсия таъминоти бўйича олиб борилётган ишларни тўлиқ таъминлаш ва назоратга олиш ҳамда бу соҳада жойларда учраётган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ишонч телефони (136-36-54, 136-10-81) ташкил этилди.

Бу соҳада учраётган муаммолар, уни такомиллаштириш йўллари хусусида фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини ишонч телефони орқали душанбадан жумага қадар соат 9-00 дан 18-00 гача беришлари мумкин.

Чунки ота ҳаётимиз боғи, она эса сўлим боғининг боғбонидир. Ота-она «Илоҳим, фарзандларим гам кўрмасин, соғ-саломат ашасин, ноқобил бўлмасин, ёруғ юзимни ерга қаратмасин, қариганда суняч тоғим, таянғувчи таянчим бўлсин, изимда қолиб чирогимни ёқсин» деб ният қилади.

Тўйлар қиларкану, кўлларини дуога очаркан, «Фарзандларим бахтли бўлиб ували-жували бўлишсин, уларнинг ёмон кунини Оллоҳим кўрсатмасин» дея тилак билдиришади. Тунларни тонгларга улаб бошимизда парвона мисол нарх уриб, емай едириб, киймай кийдириб, оқ ювиб оқ тарашади.

Уйли-жойли қилишади. Минг битта азоб билан иморатлар солишади.

Биз-чи? Биз фарзандлар ота-онамиз учун нима қила олдик? Уйим, болам-чақам деймизу, баъзан ойлаб уларнинг ҳолидан хабар ололмаймиз. Турмуш иқир-чиқирларидан, оила юмушларидан ортиб, кўнгилларини олишга вақт топа олмаймиз. Борганда эса турли баҳоналарни ваз-корсон қилиб, ўзимизни оқлаймиз. Бу ҳам етмаганидек, олиб борган нарсаларимизни фахр билан кўз-кўз қилиб «онажон бу рўмол сизга, дадажон мана бу кўйлак эса сизга», дея олдила-

рига кўямиз. Билмаймизки улар бу лата-путталарга эмас, бизнинг ўзимизга, бир оғиз ширин сўзимизга зор, йўлларимизга кўзалари интизор.

«Омонмисан болажоним, тани-жонинг

ЎКИНЧ

Умрнинг мустаҳкам устунни, ҳаётнинг мазмун-моҳияти ота ва она биландир. Улар билан кунлар сермазмун ўтади, тонглар эса чароғон отади.

соғми, сени жудаям соғиндик» дея ҳолаҳвол сўраб яна дуога кўл очадилар: «Умринг узун, истиқболнинг порлоқ бўлсин!». Баъзан бу дуоларнинг ҳам маъносига кўпам эътибор беравермаймиз, ҳа энди бу уларнинг вазифаси-да деб ўйлаймиз. Аслида эса ҳаммаси ўзгача эканлигини, улар омонат жон эканликларини билиб билмаганга, сезиб сезмаганга оламиз. Ота-она қадрини жуда кеч, улар бу дунёни тарк этганларидан сўнггина англаб етამиз.

Ховлилар хувиллаб, уйлар файзсиз кўринганида, бир меҳрибон суняч, бир

дилкаш сирдош тополмаганингда дод дегинг келади.

Шундагина биласанки, кўш-қанотинг — ота-онанг энди йўк. Уларни топа олмай зир югурасан, гир айланасан, шамолларга, ҳатто ёғинларга ялиниб илтижолар қиласан. «Изингизга қайтинг, шамол бўлиб эсинг, отажон, ёмғир бўлиб ёгинг, онажон!»

Бўм-бўш қалбинг сарҳадларида бир азоб кезади. Мен уларга нима қила олдим, ҳаттоки охириги дақиқаларда ҳам бир кунига ярай олмадим-ку, деган аччиқ нидо бўғзиндан отилиб чиқади. Томирларингдан қон эмас, аламли азоблар оқади.

Эй фарзанд! Хали ҳам кеч эмас, улар қаршисига югур, пешоналаридан ўп, юзларини юзинга бос, қафларини силаб-сыйпала, бағрига отил. Тўйиб-тўйиб ҳидла, парвонангиз бўлаин дадажоним де, кўнглингизни олайн онажоним де. Токи улар бу дунёни тарк этганларидан армонларда қолмайин десанг. Қалбим оловларда қорвилмасин, саволлар исканжасида қийналиб ёниб ола бўлмайин, десанг хузурларига чоп! Ҳоки-пойларини кўзларингга сурт, ардоқлаб-авайла. Парвона мисол гирдиқапалак бўл. Чунки улар ганимат, ҳаёт эса бешафқат.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Калмар, осминоғ ва каракатицалар ўта йиртқич бошөөкли моллюскалар ҳисобланади. Улар юксак даражада ривожлангани учун баъзи бир олимлар мазкур сув ҳайвонларини умуртқасизлар орасидаги маймунлар деб аташади.

Табиат ажойибойлари

ТИРИК ТОРПЕДОЛАР

Бошөөкли деб аталаниннинг сабаби уларнинг калласида саккизтадан пайпаслагич кўллари ва яна иккитадан узун оёқлари бор. Пайпаслагичлари ёрдамида улар ўлжасини тутиб ейди ва денгиз остида юради. Пайпаслагичларининг учлари биров кенгайган бўлиб, у ерда кўп сўричлар жойлашган. Ана шу мосламалар ёрдамида улар емишдан тутади ва денгиз тубига ёпишиб дам олади.

Бу жониворларнинг реактив мотори ўта кизик. Инсониятга реактив ҳодисалар сирини ошқор этишдан олдин табиат мазкур жониворларга ҳаракат қилишнинг қизиқ усулини инъом этган. Калмарлар сув ости зулмат қоронғилигида соатига 30-40, баъзи бир турлари эса ҳатто 55 километр тезликда гўё тирик торпедо сингари сузади. Калмарларнинг бир нечта турлари учувчи балиқлар сингари парвоз қилиш хусусиятига эга. 16 сантиметр узунликдаги стеногеутис деган калмар шунчалик тез, баланд ва узоққа учадикки, сув юзасидан етти метр баландликда жойлашган кема саҳнига бориб тушиши мумкин.

Бошөөкли моллюскалар совук қонли жониворлардан ўзига хос қатор томонлари билан фарқ қилади. Биринчи-

дан, уларнинг асаб тизимлари юксак даражада ташкил топган. Бундай ҳолат уларда маълум даражада интеллект борлиги нишонасидир. Иккинчидан, қон айланиш тизими ўзига яраша тузилган. Қонда гемоглобин ўрнига гемацианин мавжуд бўлиб, ундаги мис элементи қонга кўк ранг беради. Битта катта юраги иккита юрак олди ва битта юрак қоринчасидан ташкил топган бўлиб қонни бутун тана бўйлаб ҳайдайди. Яна оддийроқ тузилган иккита юраги бўлиб улар жабрадан қонни ҳайдашга хизмат қилади. Калмарларнинг ўзига хос анатомик тузилиши, яъни учта юракли бўлиши ҳайвонлар орасида кам учрайдиган ҳодисадир.

Калмарлар денгиз шароитига, унинг инжиқликларига яхши мослашган. Уларнинг ранги кўпинча очиқ кўк океан сувига ўхшаш ёки қирғоқдаги ўт-ўланлар рангига монанд бўлади. Бир сўз билан айтганда турли хил рангга бўялиш бобида унга тенг келадигани бўлмаса керак. Буқаламун ҳам унинг олдида ип еча олмайди. Шунга қарамасдан каракатицалар бундан мустасно, яъни рангини ўзгартиришда бу жониворнинг олдига тушадигани йўк.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● **Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Ф.Виктор одамларнинг ишончига кириб бир эмас, икки нафар кишининг иккита телевизорини олиб қайтариб бермаган.**

Биринчиси 1923 йилда туғилган С.Пустоваловани «Мен сизнинг янги қўшнингизман» деб алдаб, «Самсунг» телевизорини олиб йўқ бўлиб кетган. Тоқталари тоқ бўлган жабрланувчилар ички ишлар ходимларига мурожаат қиладилар. Натيجада жиноятчи ушланиб телевозилар ўз эгаларига қайтарилди.

● **Ҳозирги кунда чет элга бориб ишлашни хоҳловчилар топилади. Албатта улар республика Меҳнат биржаси томонидан қонуний тарзда юборилсалар нур устига аъло нур бўларди.**

Лекин айрим кишилар меҳнат биржаларига мурожаат қилмасдан, нотаниш кимсалар томонидан алданиб қолмоқда. Ана шундай жабрланувчилардан бири Р.Ражабовдир. У Қ.Азиз исмли кимсанинг «Мен сизни бир

ҳафта ичида Сеул шаҳрида жойлашган «LG» компаниясига ишга юбораман» деган гапига ишониб унга 215000 сўм миқдорда пул беради. Жиноятчи эса пулни олиб жуфтакни ростлайди. Алданиб қолган жабрланувчи ички ишлар ходимларига мурожаат қилади. Милция ходимлари жиноятчини топиб пулни ўз эгасига қайтардилар.

● **Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида яшовчи М.Жамол «Чорсу» бозорига Қашқадарь вилояти, Шаҳрисабз туманидан келган Д.Соатовни чув туширди.**

У тadbirkor Д.Соатовнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб 430000 сўмлик буюмларини сотиб бериш шarti билан олиб қайтариб бермайди. Tadbirkor Шайхонтохур тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Милция ходимлари сохта tadbirkor жиноятчини қўлга олдилар. Моллар эгасига қайтарилди. Tadbirkor ўта зийрак бўлиши керак, бўлмаса...

Тошкент шаҳар ИИБ матбуот маркази материаллари асосида Сарвар СОБИРОВ тайёрлади.



Мактаб директори: — Бу тўйхонадаги тўйлар, мактабда ўқитишимизга халақит берапти.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тираж офсет усулида босилади. 3871 нускада босилади. Қонун бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами биани рўйхатга

Нашринг етказиб беринг масалалари бўйича турар жойларгаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.